

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
2003 ЙИЛ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ



Тошкент – 2004

65.9(59)-05

10 30468  
4

on 04	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M
3645	

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

(амалдаги нархларда; млрд.сўм)

	2003й.	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	9664,1	104,4
Саноат маҳсулоти	6062,4	106,2
Истеъмол товарлари	2124,7	108,4
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	4035,8	105,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1867,4	104,5
Қурилиш ишлари	808,1	103,5
Юк айланмаси, млрд. т – км	63,3	105,8
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи – км	36,2	109,3
Чакана товар айланмаси	4325,1	105,1
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	934,8	107,9
Ташқи савдо айланмаси, млн. долл.	6689,2	117,3
шу жумладан:		
экспорт	3725,0	124,6
импорт	2964,2	109,3
Аҳоли пул даромадлари	6438,3	123,9
Пул сарф – ҳаражатлари ва жамғармалар	6160,7	117,4
Аҳолининг товар харид қилиш ва хизмат тўловлари пул сарф – ҳаражатлари	5131,0	116,9
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), минг киши	36,9	91,6
шу жумладан, расман рўйхатга олинган ишсизлар, минг киши	32,2	92,5
иқтисодий фаол аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида <sup>1)</sup>	0,3	x

<sup>1)</sup> – Меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизларни ҳисобга олган ҳолда



## Ялпи ички маҳсулот ишлиб чиқариш

2003 йилда ишилб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг номинал қиймати 9664,1 млрд. сўмда баҳоланади.

2003 йилда ялпи ички маҳсулот ишилб чиқариш реал ҳажми ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақланиб, аввалги йилга нисбатан 4,4 фоизни ташкил қилди (2002 йилда ўсиш 4,2 фоизни ташкил қилган эди). Нодавлат секторида ЯИМ умумий ҳажмининг 74,5 фоизи ишилб чиқарилди, шундан 42,3 фоизи фуқароларнинг хусусий мулкида яратилди.

2002 йилги нархларга нисбатан ЯИМнинг дефлятор индекси 145,5 фоиздан 124,3 фоизга туши.

ЯИМ ишилб чиқаришнинг тармоқлар бўйича тузилиши қўйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

Жами	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида		2002 йилга нисбатан фоиз ҳи- собида
	2002 йил	2003 йил	
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>104,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Маҳсулотлар ишилб чиқариш	49,7	48,5	104,7
<i>шу жумладан:</i>			
саноат	14,5	15,0	102,8
қишлоқ хўжалиги	30,1	28,8	105,9
қурилиш	4,9	4,5	103,5
бошқа соҳалар	0,2	0,2	102,1
Хизмат кўрсатиш	38,2	38,1	104,4
<i>шу жумладан:</i>			
транспорт ва алоқа	8,2	8,5	103,5
савдо ва умумий овқатланиш	9,9	9,4	107,5
бошқа бозор ва нобозор хизматлари	20,1	20,2	103,3
Маҳсулот ва экспорт – импорт операцияларига соғ солиқлар	12,1	13,4	102,7

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ялпи ички маҳсулот реал ҳажмининг ўсишини таъминлади. Қишлоқ хўжалик ишилб чиқариши ҳажмининг (2002 йилга нисбатан) 5,9 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш ҳажми – нинг 7,5 фоизга ўсиши асосий таъсир кўрсатди.

Республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг улуши барқарор равишда ўсиб бориб, 2003 йилда 35,5 фоизни ташкил қилди, бу 2002 йил кўрсаткичидан 0,9 пунктга ортиқдир.

ЯИМнинг минтақавий тузилишида энг катта улуш Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотга тегишли бўлиб, республика ЯИМ умумий ҳажмига нисбатан 14,0 фоизни (2002 йилда – 13,7 фоиз) ташкил қилиб, унинг кўпайиши қурилиш ва саноат тармоқларининг юқори ўсиш суръатлари (тегишли равишида 6,3 фоиз ва 6,0 фоиз) билан изоҳланади. Республика ялпи ички маҳсулотини яратишида иккинчи ўринни Тошкент вилояти эгаллаб, унинг республика ЯИМ умумий ҳажмидаги улушки 9,8 фоизни ташкил этди.

### Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумот – ларига кўра, 2004 йилнинг 1 январига иқтисодиётнинг барча тар – мөқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 283,9 мингтага етди, шу жумладан фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 249,2 мингтани (87,8 фоиз) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг энг кўпи қишлоқ хўжалиги (44,0 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (21,7 фоиз), саноат (9,8 фоиз) ва қурилиш (5,5 фоиз)га тўғри келади.

2004 йилнинг 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олин – ганлар		Фаолият кўрса – таётганлар	
	минг	якунга нис – батан фоизда	минг	якунга нис – батан фоизда
<b>Жами</b>	<b>283,9</b>	<b>100</b>	<b>249,2</b>	<b>100</b>
шу жумладан:				
саноат	27,9	9,8	21,9	8,8
қурилиш	15,6	5,5	11,9	4,8
қишлоқ хўжалиги	125,0	44,0	123,4	49,5
транспорт ва алоқа	3,5	1,2	3,0	1,2
савдо ва умумий овқатланиш	61,7	21,7	43,3	17,4
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	11,5	4,1	9,7	3,9

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрса – таётганлар	
	минг	якунга нисбатан фоизда	минг	якунга нисбатан фоизда
аҳолига майший хизмат кўрсатишининг ноишлаб чиқариш турлари	2,4	0,9	1,9	0,7
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	6,4	2,3	5,7	2,3
таълим	6,6	2,3	6,5	2,6
маданият ва санъат	1,8	0,6	1,5	0,6
фан ва илмий хизмат кўрсатиш бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	1,1	0,4	0,9	0,4
	20,4	7,2	19,5	7,8

Рўйхатта олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулки корхоналарининг улуши 90,8 фоизни, шу жумладан: фермер ва деҳқон хўжаликлари – 39,7 фоизни, акциядорлик жамиятлари – 1,8 фоизни, масъулияти чекланган жамиятлар – 6,8 фоизни, чет эл сармояси иштироқидаги корхоналар – 1,1 фоизни ташкил қилди.

Рўйхатта олинган хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига;  
умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида




2003 йилда жами 43,7 мингта янги корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг энг кўпи Қашқадарё вилояти (17,2 фоиз), Тошкент шаҳри (9,7 фоиз) ва Бухоро вилояти (9,6 фоиз)га тўғри келади.

2004 йил 1 январ ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган барча корхона ва ташкилотларнинг 89,9 фоизи нодавлат секторида фаолият кўрсатган.

2003 йилда ЯИМ ишлаб чиқаришда ва иқтисодиётнинг асосий тар – мөқлари бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Давлат сектори  
 Нодавлат сектори

## Кичик ва ўрта тадбиркорлик

2002 – 2003 йилларда кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КЎБ)ни ривожлантириш якунларининг таҳлили мамлакат ялпи ички маҳсулотида унинг улуши ортгани ва банд бўлганлар сони 471 минг кишига кўпайганини кўрсатди.

### Кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари

Ўлчов бирлиги	2002 йил	2003 йил
ЯИМда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг улуши	%	34,6
шу жумладан:		35,5
кичик ва ўрта корхоналар	%	15,7
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони	минг бирлик	215,7
КЎБда банд бўлганлар сони	минг киши	4994,1
		5465,1

Иқтисодиётда жами банд бўлганлар сонида КЎБда банд бўлганлар улуши 53,5 фоиздан 57,0 фоизга кўпайди. КЎБда банд бўлганларнинг энг катта қисми – 46,1 фоизи (4420,0 минг киши) якка тартибдаги тадбиркорликка, 1,4 фоизи (133,7 минг киши) – ўрта корхоналарга, 9,5 фоизи (911,4 минг киши) – кичик корхоналар ва микрофирмаларга тўғри келади.

2004 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган кичик (бу ерда ва кейинчалик, микрофирмаларни қўшган ҳолда) ва ўрта корхоналарнинг сони 263,8 мингтани ёки рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,9 фоизини, шу жумладан ўрта корхоналар – 7,9 минг (3,0 фоиз), кичик корхоналар – 29,2 минг (11,1 фоиз), микрофирмалар – 226,7 мингтани (85,9 фоиз) ташкил қилди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг энг қўпи – 29,8 мингтаси (республика бўйича рўйхатга олинган КЎБ корхоналарининг 11,3. фоизи) Қашқадарё вилоятига, 26,6 мингтаси (10,1 фоизи) Тошкент шаҳрига ва 23,7 мингтаси (9,0 фоизи) – Самарқанд вилоятига тўғри келади.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (45,9 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (22,8 фоиз), саноат (10,2 фоиз) соҳасида ташкил топган.

2004 йилнинг 1 январига рўйхаттага олинган кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Минг	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>263,8</b>	<b>100</b>
шу жумладан:		
саноат	26,9	10,2
қурилиш	14,5	5,5
қишлоқ хўжалиги	121,2	45,9
транспорт ва алоқа	2,5	1,0
савдо ва умумий овқатланиш	60,2	22,8
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	10,0	3,8
аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	2,2	0,8
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	4,3	1,6
таълим	1,2	0,5
маданият ва санъат	1,5	0,6
фан ва илмий хизмат кўрсатиш	0,9	0,3
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	18,4	7,0

Рўйхаттага олинган КЎБ корхоналарининг умумий сонида нодавлат мулкчилик шаклининг улуши 94,4 фоизни, шу жумладан фермер ва дехқон хўжаликлари – 42,4 фоизни, масъулияти чекланган жамиятлар – 7,0 фоизни, қўшма корхоналар – 1,1 фоизни ташкил қилди.

2004 йилнинг 1 январига рўйхаттага олинган КЎБ корхоналарининг фаоллиги даражаси иқтисодиёт бўйича 87,0 фоизни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич қишлоқ хўжалигида қайд этилди (98,7 фоиз), қолган соҳаларда бу кўрсаткич 69,5 фоиздан (савдо ва умумий овқатланиш) 86,8 фоизгача (таълим) бўлди.

Иқтисодиёт бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сонида КЎБ корхоналарининг улуши 92,1 фоизни, қишлоқ хўжалигида – 97,0 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда – 96,6 фоизни, саноатда – 95,8 фоизни, қурилишда – 91,6 фоизни ташкил қилди.

2003 йилда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта корхоналарнинг сони 6,4 фоизга, рўйхатга олинган корхоналарнинг сони эса – 10,2 фоизга кўпайди.

1000 киши ҳисобига фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта корхоналарнинг сони 0,4 бирликка кўпайди ва 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига республика бўйича 9,0 бирликни ташкил қилди. Энг катта кўрсаткич Жиззах (16,2 бирлик) ва Сирдарё (15,3 бирлик) вилоятларида қайд этилди.

2003 йилда 43,2 мингта янги кичик ва ўрта корхоналар рўйхатга олинди. Уларнинг энг кўп қисми Қашқадарё вилояти (17,4 фоиз), Бухоро вилояти (9,7 фоиз) ва Тошкент шаҳри (9,6 фоиз)га тўғри келади. Янги рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида қишлоқ хўжалиги (56,3 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (19,8 фоиз) корхоналарининг ҳиссаси каттадир.

Кичик ва ўрта корхоналар ташкил этиш коэффициенти 18,0 фоизни, тутатиш коэффициенти эса – 7,9 фоизни ташкил қилди. Ташкил этиш коэффициенти – Қашқадарё вилоятида (32,6) энг юқори, энг кам – Андижон вилоятида (9,3). Тутатиш коэффициенти эса Навоий вилоятида (16,5) энг юқори, Жиззах вилоятида (2,6) энг паст бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 23,9 фоизга ошди ва 1005,2 млрд. сўмга етди (республика саноат ишлаб чиқаришининг 16,6 фоизи), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 10,7 фоизга ва 3101,4 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти – нинг 76,8 фоизи) ташкил қилди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 27,4 фоизни ташкил қилди (2002 йилда – 28,2 фоиз), қурилишда бажарилган ишлар умумий ҳажмининг 43,4 фоизини (350,4 млрд. сўм), уларнинг реал ўсиши 18 фоизни ташкил этди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари автомобил транспортида юк айланмаси 31,4 фоизга ошди ва 4476,2 млн.т – км ни ташкил қилди, йўловчи айланма 31,8 фоизга кўпайди ва 18432,2 млн. йўловчи км га етди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликда чакана савдо айланмасининг умумий ҳажмидан 45,5 фоизи (1967,7 млрд.сўм), аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 45,7 фоизи (427,4 млрд. сўм) шаклланди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан 272,1 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди (экспорт умумий ҳажмидан 7,3 фоиз), 998,0 млн. АҚШ доллари миқдорида (33,7 фоиз) маҳсулот импорт қилинди. Ташки савдо айланмаси республика бўйича унинг умумий ҳажмидан 19,0 фоизини ташкил қилди.


Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар 282,3 млрд. сўмни ташкил этди (2002 йилда – 248,3 млрд. сўм). Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган узоқ муддатли кредитлар – 22,2 млрд. сўмни, ўрта муддатли кредитлар – 115,3 млрд. сўмни ва қисқа муддатли кредитлар – 144,8 млрд. сўмни ташкил этади.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик маҳсулотлари (ишилари, хизматлари)нинг умумий ҳажмида хусусий корхоналар ва фирмалар (фуқаролар мулки) ишлаб чиқарган маҳсулотлар улуси 2003 йилда тармоқлар бўйича қўйидаги тақсимланади:

	Маҳсулотлар (ишилар, хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	КўБ ҳажмидаги улуси, фоиз ҳисобида
Саноат	341,0	33,9
Қишлоқ хўжалиги	3100,8	99,9
Қурилиш	274,6	78,4
Чакана савдо айланмаси	1667,8	84,8
Пуллик хизматлар	391,4	91,6
Юк ташиш, млн. т.	77,3	85,3
Йўловчи ташиш, млн. йўловчи	1497,9	99,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	85,7	31,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	262,1	26,3

Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишилар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларида кичик ва ўрта тадбиркорлик улусининг ўзгаришини қўйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида, Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, 2003 йилда 1519 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилган.

Энг кўп объектлар Тошкент шаҳрида (хусусийлаштирилган обьектлар умумий сонининг 33,6 фоизи), Тошкент (8,2 фоиз), Фарғона (6,5 фоиз) ва Андижон(6,3 фоиз) вилоятларида хусусийлаштирилган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки обьектлари таркибида энг катта улушни ҳокимиятлар (49 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (8,1 фоиз), Матбуот ва ахборот агентлиги (7,3 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (6,3 фоиз) ташкил қиласди.

Вазирлик ва идоралар бўйича 2003 йилда хусусийлаштирилган обьектлар таркиби қўйидагича ифодаланади:

	Хусусийлаштирилган объектлар сони	Якунга нисбатан фоиз хи- собида
<b>Жами</b>	<b>1519</b>	<b>100</b>
шу жумладан:		
Ҳокимиятлар	744	49,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	124	8,1
Матбуот ва ахборот агентлиги	111	7,3
Халқ таълими вазирлиги	96	6,3
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	71	4,7
«Ўзнефтгаз» МХК	62	4,1
Ўзпахтасаноат	30	2,0
бошқалар	281	18,5

2003 йилда хусусийлаштирилган барча обьектларнинг 9,3 фоизи акциялаштириш орқали хусусийлаштирилди, уларнинг негизида 75 та акциядорлик жамияти ташкил қилинди. 2003 йилда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 56,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 48,2 фоизи), Тошкент (9,7 фоиз), Фарғона (6,4 фоиз), Қашқадарё (4,9 фоиз) ва Наманган (4,5 фоиз) вилоятларида олинди.

## Ташқи иқтисодий алоқалар

2003 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 6689,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ва 2002 йилга нисбатан 17,3 фоизга кўпайди, шу жумладан МДҲ мамлакатлари бўйича 2105,4 млн. АҚШ долларини (15,4 фоизга кўпайди), узоқ ҳориж мамлакатлари бўйича эса – 4583,8 млн. АҚШ долларини (18,2 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Республика ташқи савдо айланмасини қўйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

	2002й.	2003й.	(млн. АҚШ доллари) 2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>5700,4</b>	<b>6689,2</b>	<b>117,3</b>
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатлари	1823,8	2105,4	115,4
узоқ ҳориж мамлакатлари	3876,6	4583,8	118,2
<b>Экспорт</b>	<b>2988,4</b>	<b>3725,0</b>	<b>124,6</b>
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатларига	823,5	969,2	117,7
узоқ ҳориж мамлакатларига	2164,9	2755,8	127,3
<b>Импорт</b>	<b>2712,0</b>	<b>2964,2</b>	<b>109,3</b>
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатларидан	1000,3	1136,2	113,6
узоқ ҳориж мамлакатларига	1711,7	1828,0	106,8

2003 йилда республика ташки савдо айланмасида МДХ ва узоқ ҳориж мамлакатларининг улуши қуидагича ифодаланади:



### Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	<u>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</u>		Ҳажмдаги ўзгариш, 2003 й.да 2002 й.га нисбатан фоиз ҳисобида
	2002 й.	2003 й.	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>124,6</b>
пахта толаси	22,4	19,8	110,4
озиқ – овқат	3,5	2,7	96,6
кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар	3,0	3,1	129,2
рангли ва қора металлар	6,4	6,4	125,5
машина ва ускуналар	3,9	5,9	187,4
энергия манбалари	8,1	9,8	149,8
хизматлар	15,9	14,4	112,6
бошқалар	36,8	37,9	128,4
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>109,3</b>
озиқ – овқат	12,5	9,9	86,5
кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар	15,1	12,8	92,6
рангли ва қора металлар	8,0	7,9	108,8

	<u>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида</u>	<u>Ҳажмдаги ўзгариш, 2003 й.да 2002й.га</u>	
	2002 й.	2003 й.	нисбатан фоиз ҳисобида
машина ва ускуналар	41,4	44,4	117,1
энергия манбалари	1,3	2,7	228,0
хизматлар	10,6	10,2	105,0
бошқалар	11,1	12,1	119,3

Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси қўйида келтирилган:


	Улуши, фоиз ҳисобида	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Австрия	0,6	84,8
Бельгия	1,4	95,0
Буюк Британия	5,3	117,9
Германия	5,0	133,1
Хиндистон	1,6	268,1
Эрон	4,5	146,9
Италия	1,6	88,6
Хитой	3,2	166,3
Корея	4,3	88,9
Латвия	1,6	106,4
Нидерландия	0,6	62,5
БАА	1,0	140,4
АҚШ	5,0	82,8
Туркия	4,0	142,2
Франция	1,1	79,1
Швейцария	3,3	102,6
Япония	1,1	241,1
Россия	17,2	125,8
Қазоғистон	4,4	112,1
Украина	4,2	99,3
Туркманистон	1,3	117,3
Кирғизистон	1,1	68,5
Тожикистон	2,2	124,7

2003 йилда республика жаҳоннинг 70 дан ортиқ, шу жумладан Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Португалия, Сингапур, Швейцария сингари ривожланган мамлакатлари билан ижобий сальдоли ташқи савдо айланмасига эга бўлди.


### Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2002й.




2003й.



- Европа
- Азиатика
- Африка
- Америка
- Австралия ва Океания

2003 йилда МДХ ва узоқ ҳориж мамлакатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуийдагича ифодаланади:



**Чет эл инвестицияси иштироқидаги корхоналар.** 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикада чет эл инвестицияси иштироқидаги 3539 корхона рўйхатга олинган булиб, шулардан 62,4 фоизи фаолият кўрсатган.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолиятининг ҳолати қуйидагича ифодаланади:

	Корхоналар сони	Улуши, фоиз ҳисобида
<b>Жами рўйхатга олинган корхоналар</b>	<b>3539</b>	<b>100</b>
улардан:		
<b>фаолият кўрсатаётган корхоналар</b>	<b>2209</b>	<b>62,4</b>
шу жумладан тармоқлар бўйича:		
саноат	1307	36,9
шундан: истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар	612	17,3
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	57	1,6
транспорт ва алоқа	94	2,7
курилиш	77	2,2
савдо ва умумий овқатланиш	452	12,8
бошқалар	222	6,2
		10

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг энг кўпи АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Германия, Корея, Хитой, Туркия, Россия, Украина, Қозогистон ва бошқа мамлакатлар иштирокида ташкил қилинган.

### Саноат

2003 йилда республика саноати амалдаги нархларда 6062,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, бу солиштирма нархларда 2002 йилга нисбатан 106,2 фоизни ташкил этади.


Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида йирик ва ўрта корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот улуши 86,2 фоизни ташкил қилди.

2003 йилда 2124,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2002 йилга нисбатан 108,4 фоизни ташкил этади. Шу жумладан 931,6 млрд. сўмлик (2002 йилга нисбатан 106,6 фоиз) озиқ – овқат маҳсулотлари ва 1020,0 млрд. сўмлик (2002 йилга нисбатан 112,1 фоиз) ноозиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2003 йилда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қўйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Маҳсулот ишлаб чиқариш</b>	<b>6062,4</b>	<b>106,2</b>
шу жумладан тармоқлар бўйича:		
электроэнергетика	525,6	101,8
ёнилги	749,2	100,6
қора металлургия	111,0	109,1
рангли металлургия	906,3	99,0
кимё ва нефть – кимё саноати	341,1	105,2
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	733,8	130,8
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза – қофоз саноати	66,7	100,0
қурилиш материаллари саноати	276,4	104,3
енгил саноат	1210,7	106,2
озиқ – овқат саноати	756,0	106,8
<b>Истеъмол товарлари</b>	<b>2124,7</b>	<b>108,4</b>
шу жумладан:		
озиқ – овқат маҳсулотлари	931,6	106,6
ноозиқ – овқат маҳсулотлари	1020,0	112,1
ароқ – вино маҳсулотлари ва пиво	173,1	98,2

Саноатнинг қуийдаги тармоқлари жадал суръатларда ривожланди: машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (130,8 фоиз), қора metallurgия (109,1 фоиз), енгил саноат (106,2 фоиз), озиқ – овқат саноати (106,8 фоиз) ва бошқалар.



Ёнилғи – энергетика тармоқларида (йирик ва ўрта корхоналар бўй – ича) асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (қазиб олиш) қуийдагича ифодаланади:

	2003 йилда ишлаб чиқарилиди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	49,4	100,2
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	27,6	95,8
Нефть ва газ конденсати, млн. т.	7,1	99,1

шу жумладан:

	2003 йилда ишлиб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
нефть	4,4	108,1
газ конденсати	2,7	87,5
Бензин, минг т.	1424,6	89,7
Дизель ёнилғи, минг т.	1512,6	89,0
Мазут, минг т.	1532,0	94,0
Керосин, минг т.	387,5	90,5
Мой, минг т.	188,6	126,2
Нефть қатрони, минг т.	324,0	98,8
Табиий газ, млрд. куб. м	57,5	99,7
Суюқлантирилган газ, минг т.	166,1	131,2
Күмір, минг т.	1910	69,8

Қора металлургияда саноат маҳсулотлари ишлиб чиқариш қуидагида ифодаланади:

	2003 йилда ишлиб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Пұлат, минг т.	486,0	105,1
Тайёр прокат, минг т.	446,5	106,4

Кимё ва нефть-кимё саноатида (йирик ва ўрта корхоналар бүйича) саноат маҳсулотлари ишлиб чиқариш қуидагида ифодаланади:

	2003 йилда ишлиб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Сунъий аммиак, минг т.	992,9	109,7
Минерал үғит, минг т.	817,2	103,3
Карбамид, минг т.	360,9	141,1
Үсимликларни кимёвий химоялаш воситалари, т.	3948	112,3
Олтингугурт кислотаси, минг т.	800,3	95,1
Кимёвий тола ва иплар, т.	14863	98,3
Сирка кислотаси, т.	6034	138,3

**Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида** (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2003 йилда ишлаб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Трансформаторлар, дона	456	63,7
Кабель маҳсулотлари, млн. сўм	15264	135,0
Симлар ва кабеллар, км	3424	95,5
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	9546	3,1 м.
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	2513	23,7 м.
Кир ювиш машиналари, дона	1195	7,0 м.
Телевизорлар, дона	14770	13,8 м.
Автобуслар, дона	235	59,5
Автомобиллар, дона	40746	116,0
Автомобил эҳтиёjt қисмлари, таъмиrlаш – фойдаланиш эҳтиёjlари учун, млн. сўм	37042,0	147,2
Тракторлар, дона	2888	90,9
Трактор плуглари, дона	310	3,0 м.
Трактор культиваторлари, дона	1049	133,1
Компрессорлар, дона	171	111,8

2003 йилда енгил автомобиллар ва культиваторлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2002 йилдагига нисбатан ошиди. Шу билан бирга, кўпприк кранлари, тракторлар ва насослар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси пасайди.

**Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва цељлюзоза–қофоз саноатида** (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2003 йилда ишлаб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Мебель, млн. сўм	6104,3	99,8
Цељлюзоза, т	3044	62,0
Қофоз, т.	5735	59,2
Мактаб дафтарлари, минг дона	39490	88,9

**Қурилиш материаллари саноатида (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:**

	2003 йилда ишлаб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, минг т.	4062,5	103,5
Ички деворларни қоплашга мўлжалланган, безакли сопол плиткалар, минг кв. м	568,1	93,1
Юмшоқ том материаллари ва изол, млн. кв. м	34,7	104,8
Шифер, млн. шартли плитка	313,7	105,0
Линолеум, минг кв. м	360,0	86,3

**Шиша ва фарфор-фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноатида (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:**

	2003 йилда ишлаб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Фарфор – фаянс буюмлар, млн. сўм	3925,6	109,6
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблагандан), минг кв. м	6434,5	73,1
Бутилкалар, млн. дона	84,3	101,4

**Енгил саноатда (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:**

	2003 йилда ишлаб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Пахта толаси, минг т.	946,0	94,0
Чигит, минг т.	1481,7	92,8
Пахта линти, минг т.	62,5	87,5
Ипак тола, т	576,2	66,3
Бир ипли тўқима иш газлама, минг т.	171,8	102,4
Газлама – жами, млн. кв. м	453,3	98,1

	2003 йилда ишлиб чиқарили	2002 йилга нисбатан фойиз ҳисобида
шу жумладан ип газлама	415,2	97,8
Пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	16730	188,4
Трикотаж маҳсулотлар, минг дона	28649	100,6
Тери маҳсулотлари, минг кв. дм	1498	36,1
Чарм – атторлик маҳсулотлари, млн. сўм	725,7	2,0 м.
Пойафзал, минг жуфт	5571	99,9

2003 йилда ип газлама, пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари, гилам ва тилам маҳсулотлари ишилаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш дара – жаси 2002 йилдагига нисбатан ошди.

**Озиқ–овқат саноатида** (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) асосий маҳсулотлар ишилаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2003 йилда ишлиб чиқарили	2002 йилга нисбатан фойиз ҳисобида
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, минг т.	18,8	97,7
Сут ва сут маҳсулотлари, минг т.	6,3	107,6
Консервалар, млн. шартли банка	240,9	119,8
Мол ёғи, т.	319	58,6
Музқаймоқ, т	2715	98,3
Шакар, минг т.	248,2	114,2
Ўсимлик ёғи, минг т.	216,0	97,8
Кир совун, минг т.	48,1	118,4
Макарон маҳсулотлари, минг т.	33,1	60,4
Ароқ ва ароқ – ликёр маҳсулотлари, минг дал	5677	96,6
Вино, минг дал	4575	73,4
Пиво, минг дал	7879	104,0

	2003 йилда ишлиб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Спиртсиз ичимликлар, минг дал	2172	25,3
Маъданли сув, млн. ярим литр	132,7	116,8
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	6519	92,5

2003 йилда кир совун ишлиб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2002 йилдагига нисбатан ошиди. Шу билан бирга маргарин маҳ – сулотлари, папирос ва сигаретлар ишлиб чиқариш қувватларидан фой – даланиш даражаси пасайди.

**Ун-ёрма ва омихта ем ишлиб чиқариш саноатида** (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) асосий маҳсулотлар ишлиб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2003 йилда ишлиб чиқарилди	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ун	971,1	73,7
Ёрма	36,9	146,2
шу жумладан: гуруч	35,6	158,4
Омихта ем	374,0	79,0

## Қишлоқ хўжалиги

2003 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлиб чиқариш амалдаги нархларда 4035,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2002 йилдагига нисбатан 5,9 фоизга ошиди.

Қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқаришининг умумий ҳажмида дебхончилик маҳсулотлари 2086,7 млрд. сўмни (2002 йилдагига нисбатан 103,3 фоизни), чорвачилик маҳсулотлари эса – 1949,1 млрд. сўмни (2002 йилдагига нисбатан 108,6 фоизни) ташкил қилди.

Хўжаликларнинг тоифалари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2002й.

2003й.



**Деҳқончилик.** 2003 йилда барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3785,1 минг гектарни ташкил қилди ва аввалги йилга нисбатан 244,3 минг гектарга (6,9 фоиззга) қўпайди.

Асосий қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг таркиби қўйидагича ифодаланади:

			2002й.	2003й.	2003й. 2002й. га нисбатан фоиззда	жами экин майдо- нига нисбатан фоиз ҳисобида	(минг гектар)
<b>Экин майдони, жами</b>	3540,8	3785,1	106,9	100	100	100	100
шу жумладан:							
донли экинлар	1533,4	1789,0	116,7	43,3	47,3		
улардан:							
бошоқли донлар	1412,5	1618,6	114,6	39,9	42,8		
шу жумладан буғдой	1282,6	1507,2	117,5	36,2	39,8		
техникавий экинлар	1462,2	1442,8	98,7	41,3	38,1		
шу жумладан пахта	1421,0	1392,7	98,0	40,1	36,8		
картошка	48,9	49,1	100,4	1,4	1,3		
сабзавот	127,5	145,3	114,0	3,6	3,8		
озиқбоп полиз	37,3	41,1	110,2	1,1	1,1		
ем – хашак экинлари	329,1	315,5	95,9	9,3	8,3		

Барча тоифа хўжаликларда донли экинларнинг турлари бўйича тар – киби қўйидагича ифодаланади:

умумий ялпи теримга нисбатан фоиз ҳисобида




Барча тоифа хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи терими ва ҳосилдорлиги қўйидагича ифодаланади:

	2002 й.		2003 й.		2002 й.га нисбатан фоиз ҳисобида	
	ялпи терим, минг т.	ҳосил – дорлик, ц/га	ялпи терим, минг т.	ҳосил – дорлик, ц/га	ялпи терим, минг т.	ҳосил – дорлик, ц/га
Донли экинлар (дастлабки кирим қилинган вазни)	5792,6	36,4	6262,3	34,1	108,1	93,7
бошоқли донлар	5419,9	37,0	5780,7	34,8	106,7	94,1
буғдой	5183,0	39,0	5612,0	36,3	108,3	93,1
Картошка	777,2	143,7	827,8	154,9	106,5	107,8
Сабзавот	2935,6	193,8	3299,2	202,1	112,4	104,3
Озиқбоп полиз	479,1	127,1	583,3	142,0	121,7	111,7
Мевалар	842,9	57,8	758,7	53,3	90,0	92,2
Узум	516,4	51,0	401,4	40,8	77,7	80,0

Хўжаликларнинг тоифалари бўйича асосий деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркиби:

фоиз ҳисобида



2003 йилда 5780,7 минг тонна бошоқли дон экинлари етиштирилиб, 2002 йилга нисбатан 6,7 фоиз кўп бўлди. Шу жумладан, 5612,0 минг тонна буғдой (2002 йилдагидан 8,3 фоиз кўп) етиштирилди, ялпи шоли терими 67,7 фоизга кўпайди.

Барча тоифа хўжаликлирида бошоқли дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги ҳар гектардан 34,8 центнерни ташкил қилди. Республика бўйича ўртача ҳосилдорлик даражасидан юқори натижага Андижон (67,7 центнер), Фарғона (50 центнер), Бухоро (47,5 центнер), Наманган (45,8 центнер), Навоий (41,2 центнер), Сурхондарё (40,6 центнер) ва Самарқанд (37,9 центнер) вилоятларида эришилди.

Бошоқли дон экинларининг давлат хариди 2502,5 минг тоннани, шу жумладан буғдой – 2429,4 минг тоннани ташкил қилди (2002 йилда, мосравиша, 2454,8 минг тонна ва 2351,5 минг тонна).

2003 йилда 3299,2 минг тонна ёки 2002 йилдагидан 12,4 фоиз кўп сабзавот йигиб – териб олинди. 827,8 минг тонна ёки ўтган йилдагидан 6,5 фоиз кўп картошка қазиб олинди.

583,3 минг тонна озиқбоп полиз (2002 йилда – 479,1 минг тонна), 758,7 минг тонна мева (2002 йилда – 842,9 минг тонна), 401,4 минг тонна узум (2002 йилда – 516,4 минг тонна) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2004 йил 1 январ ҳолатига барча тоифа хўжаликларида 5873,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 2556,7 минг бош сигир, 9910,5 минг бош қўй ва эчки, 17077,3 минг бош парранда мавжуд бўлган. 2002 йилга нисбатан йирик шохли қорамол 7,2 фоизга, сигирлар – 6,8 фоизга, қўй ва эчкilar – 7,3 фоизга, паррандалар – 11,2 фоизга кўпайган.

Хўжаликларнинг тоифалари бўйича мол ва паррандалар сони қўйидагича ифодаланади:

	(минг бош)		
	1 январ ҳолатига		2004й. 2003 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	2003й.	2004й.	
<b>Йирик шохли қорамол – жами</b>	<b>5477,6</b>	<b>5873,9</b>	<b>107,2</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	330,3	286,1	86,6
фермер хўжаликлари	273,4	291,6	106,7
декон хўжаликлари	4873,9	5296,2	108,7
<b>Улардан: сигирлар</b>	<b>2393,2</b>	<b>2556,7</b>	<b>106,8</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	110,4	94,6	85,7
фермер хўжаликлари	85,6	91,5	106,9
декон хўжаликлари	2197,2	2370,6	107,9
<b>Қўй ва эчкilar</b>	<b>9233,9</b>	<b>9910,5</b>	<b>107,3</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	2462,9	2469,7	100,3
фермер хўжаликлари	274,0	304,7	111,2
декон хўжаликлари	6497,0	7136,1	109,8
<b>Паррандалар – жами</b>	<b>15354,9</b>	<b>17077,3</b>	<b>111,2</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	5142,0	5025,6	97,7
фермер хўжаликлари	605,3	765,4	126,4
декон хўжаликлари	9607,6	11286,3	117,5

2003 йилда барча тоифа хўжаликлари тирик вазнда 935,5 минг тонна гўшт (аввалги йилдагидан 8,1 фоиз кўп), 4030,3 минг тонна сут (8,3 фоиз кўп), 1611,4 млн. дона тухум (17,7 фоиз кўп), 17,6 минг тонна жун (6,3 фоиз кўп) етишитирдилар.

2003 йилда хўжаликларнинг тоифалари бўйича асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2002 й.	2003 й.	2003й. 2002 йилга нис- батан фоиз ҳисобида
<b>Гўшт тирик вазнда, минг т.</b>	<b>865,1</b>	<b>935,5</b>	<b>108,1</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	42,2	39,0	92,5
фермер хўжаликлари	16,7	18,3	109,4
декон хўжаликлари	806,2	878,2	108,9
<b>Сут, минг т.</b>	<b>3721,3</b>	<b>4030,3</b>	<b>108,3</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	93,8	81,1	86,5
фермер хўжаликлари	81,6	83,5	102,3
декон хўжаликлари	3545,9	3865,7	109,0
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>1368,9</b>	<b>1611,4</b>	<b>117,7</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	559,4	678,1	121,2
фермер хўжаликлари	46,1	60,2	130,5
декон хўжаликлари	763,4	873,1	114,4
<b>Жун, тонна</b>	<b>16594</b>	<b>17632</b>	<b>106,3</b>
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	3814	3767	98,8
фермер хўжаликлари	259	321	123,9
декон хўжаликлари	12521	13544	108,2

	2002 й.	2003 й.	2003й. 2002 йилга нис – батан фоиз ҳисобида
Қоракўл териси, минг дона	688,1	689,3	100,2
шу жумладан:			
қишлоқ хўжалик корхоналари	427,1	401	93,9
фермер хўжаликлари	14,1	14,2	100,7
дэҳқон хўжаликлари	246,9	274,1	111,0
Пилла, минг т.	19,9	16,7	83,7

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши дэҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошиди, уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши гўшт бўйича – 95,8 фоизни, сут – 98 фоизни, тухум – 57,9 фоизни, жун – 78,6 фоизни, қоракўл – 41,8 фоизни ташкил қилди.

2003 йилда хўжаликларнинг тоифалари бўйича чорвачилик маҳсу – лотлари ишлаб чиқариш қўйидағича ифодаланади:

фоиз ҳисобида

Корамол ва парранда тирик вазнда	Сут	Тухум
--	-----	-------



**Фермер хўжаликлари.** 2004 йил 1 январ ҳолатига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида 87,6 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг сони бир йил ичида 15,1 мингтага кўпайган. Фермер хўжа – ликларида банд бўлганлар сони 603,0 минг кишини, шу жумладан ёлланма ишчи кучи – 52,4 минг кишини ташкил қилган.

Фермер хўжаликларига биринтирилган ер майдонларининг умумий майдони 2148,1 минг гектарни ташкил этади. Ҳар бир хўжаликка ўрта ҳисобда 24,5 гектар ер тўғри келади.

2004 йилнинг бошига фермер хўжаликлида 291,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 91,5 минг бош сигир, 304,7 минг бош қўй ва эчки, 765,4 минг бош парранда, 10,3 минг бош йилқи боқилган.

2003 йилнинг бошига нисбатан йирик шохли қорамол сони 6,7 фоизга, сигирлар сони 6,9 фоизга, қўй ва эчкилар сони 11,2 фоизга, парранда сони – 26,4 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш қўйидагича ифодаланади:

	2002 й.		2003 й.		2002 й.га нисбатан фоиз ҳисобида
	минг т.	улуси, фоиз ҳисобида	минг т.	улуси, фоиз ҳисобида	
Донли экинлар – жами	1542,0	26,6	2227,5	35,6	144,5
шу жумладан буғдой	1434,2	27,7	2024,3	36,1	141,1
Пахта	896,7	28,7	1066,8	37,8	119,0
Картошка	29,9	3,8	31,7	3,8	106,0
Сабзавот	218,6	7,4	350,3	10,6	160,2
Озиқбоп полиз	78,9	16,5	176,8	30,3	2,3 м.
Мева	59,5	7,1	54,4	7,2	91,4
Узум	34,0	6,6	23,2	5,8	68,2
Гўшт тирик вазнда	16,7	1,9	18,3	1,9	109,4
Сут	81,6	2,2	83,5	2,1	102,3
Тухум, млн. дона	46,1	3,4	60,2	3,7	130,5
Жун, тонна	259	1,6	321	1,8	123,9
Қоракўл, минг дона	14,1	2,0	14,2	2,1	100,7

## Инвестициялар ва қурилиш

2003 йилда республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 1867,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди, ўсиш суръати 2002 йилга нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди.

Молиялаш манбалари бўйича 2003 йилда асосий капиталга кири – тилган инвестициялар қуидагида тақсимланади:

Жами ин – вести ция – лар, млрд. сўм	Шу жумладан молиялаш манбалари бўйича (якунга нисбатан фоиз ҳисобида)						
	рес – пуб – лика бюд – жети	корхо – налар маб – лаглари	чет эл ин – вести – циялари ва кре – дитлари	аҳоли маб – лаг – лари	банк кредит – лари ва бошқа қарз олинган маблағлар	бюд – жетдан ташқари фондлар маб – лаглари	
<b>Жами</b>	<b>1867,4</b>	<b>17,7</b>	<b>41,8</b>	<b>26,3</b>	<b>11,1</b>	<b>2,7</b>	<b>0,4</b>
<b>шу шум – ладан:</b>							
давлат корхо – налари	754,3	39,3	27,3	31,8	–	1,0	0,6
нодавлат корхо – налари	1113,1	3,0	51,7	22,7	18,6	3,8	0,2

Иқтисодиётнинг нодавлат сектори томонидан киритилган инвести – циялар улуши 2002 йилга нисбатан 0,5 пунктга ошди ва 59,6 фоизни ташкил қилди.

Инвестиция дастурига биноан асосий капиталга инвестициялар ки – ритишининг таркибида содир бўлган ўзгаришларга мувофиқ, республика бюджети маблағларининг улуши (2002 йилги 25,0 фоиздан 2003 йилда 17,7 фоизга) камайди, корхона ва аҳоли маблағларининг улуши (52,0 фоиздан 52,9 фоизга) ҳамда чет эл инвестициялари ва кредитларининг улуши (20,5 фоиздан 26,3 фоизга) кўпайди.

Асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган чет эл инвестициялари ва кредитларининг ҳажми 492,1 млрд. сўм миқдорида ўзлаширилди, жумладан, давлат корхоналари томонидан – 239,8 млрд. сўмлик ёки инвестициялар умумий ҳажмига нисбатан 48,7 фоизи, қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари томонидан – 147,5 млрд. сўмлик ёки инвестициялар умумий ҳажмига нисбатан 30 фоизи ўзлаширилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлашириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:


чет эл инвестициялари ва кредитларининг  
умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида




Инвестицияларнинг турларига кўра тақсимланишини қўйидаги қўрсаткичлар ифодалайди:

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2002й.



2003й.



- Уй – жойлар
- ▨ Нотурар жой бинолари ва ишоотлари
- Машиналар ва асбоб – ускуналар
- ▩ Бошқалар

Ишлаб чиқариш обьектларини қуриш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга 1216,1 млрд. сўмлик инвестициялар ёки асосий капиталга киритилган ва ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 65,1 фоизи йўналтирилди, 2002 йилга нисбатан уларнинг улуши 8 пунктта ошиди.

**Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш.** 2003 йилда ноишлаб чиқариш соҳасига 651,3 млрд. сўм миқдорида асосий капиталга киритилган инвестициялар йўналтирилган бўлиб, бу инвестициялар умумий ҳажмининг 34,9 фоизини ташкил қиласди. Жумладан, уй – жой қурилишида 205,4 млрд. сўмлик инвестициялар ёки инвестициялар умумий ҳажмининг 31,5 фоизи ўзлаштирилди.

Барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва якка тартибдаги қурувчилар томонидан умумий майдони 6739,7 минг кв. м.га, шу жумладан қишлоқ ҳудудида – 5997,7 кв. м.га тенг бўлган (2002 йилга нисбатан 89 фоиз) янги квартиралар қуриб битказилди.

Якка тартибда қурувчилар томонидан умумий майдони 6597,7 минг кв. м бўлган уй – жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бу фойдаланишга топширилган уй жой бинолари умумий ҳажмининг 97,9 фоизини ташкил этади.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар умумий ҳажмидан коммунал қурилишда 107,1 млрд. сўм (инвестициялар умумий ҳажмининг 15,4 фоизи), таълим обьектлари қурилишида – 193,2 млрд. сўм (29,7 фоизи), соғлиқни сақлаш обьектлари қурилишида – 44,6 млрд. сўм (6,9 фоизи) ўзлаштирилди.

2003 йилда 22,1 мингта ўқув ўрнига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 160 ўринга мўлжалланган касалхоналар, бир сменада 15,5 минг қабулга мўлжалланган поликлиника муассасалари, жумладан бир сменада 14,4 минг қабулга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Академик лицейлар ва касб – ҳунар колледжарини қуриш ва реконструкция қилишга 165,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 25,4 фоизини ва таълим соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 85,7 фоизини ташкил этди. 94,2 мингта ўқув ўрнига мўлжалланган касб – ҳунар колледжлари ва ўқувчилар учун 7,6 минг ўринга мўлжалланган ётоқхоналар ишга туширилди. Бу 2002 йилга нисбатан тегишили равища 109 ва 58 фоизни ташкил этади.

Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 4,4 минг ўқув ўрнига мўлжалланган 5 та академик лицей ва ўқувчилар учун 900 ўринга мўлжалланган 4 та ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Водопровод тармоқлари қурилишида 18,9 млрд. сўмлик инвестициялар, жумладан 5,7 млрд. сўмлик бюджет маблағлари (инвестициялар умумий ҳажмининг 29,9 фоизи) ва 2,8 млрд. сўм миқдорида аҳоли маблағлари (14,7 фоиз) ўзлаштирилди. Газ тармоқлари қурилишида жами 11,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, жумладан 4,2 млрд. сўмлик бюджет маблағлари (инвестициялар умумий ҳажмининг 37,8 фоизи) ва 5,1 млрд. сўмлик аҳоли маблағлари (46,3 фоиз) ўзлаштирилди.

Коммунал қурилишда 1747,5 км водопровод ва 2982,9 км газ тармоқлари ишга туширилган бўлиб, бу 2002 йилга нисбатан тегишили равища 89 ва 88 фоизни ташкил этади. Барча водопровод тармоқларининг 94 фоизи, газ тармоқларининг 96 фоизи қишлоқ ҳудудларида фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2003 йилда барча мулкчилик шакларидағи қурилиш ташкилотлари томонидан жами 808,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, 2002 йилга нисбатан 103,5 фоизни ташкил этди.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 717,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Қурилиш ишла – рининг умумий ҳажмида улар томонидан амалга оширилган ишларнинг улуши 88,8 фоизни ташкил қилди ва бир йил ичидага 1,4 пунктга ошиди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари тақсимоти қуйида келтирилади:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2002й.

2003й.



- Давлат мулкчилиги
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалар мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Қурилиш ишлари умумий ҳажмидан 76,9 фоизи янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 23,1 фоизи – капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Ўрта ва кичик бизнесга мансуб қурилиш ташкилотлари томонидан 350,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари ёки республика бўйича бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 43,4 фоизи амалга оширилди. 2002 йилга нисбатан уларнинг ҳажми 18 пунктга кўпайди.

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2003 йилда республикадаги барча транспорт турлари томонидан жами 703,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2002 йилдагига нисбатан 4,2 фоизга кам.

Юк айланмаси эса 63,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2002 йилга нисбатан 5,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ҳажмлари ва транспорт турлари бўйича юк айланмаси қўйидагича ифодаланади:


	2003 й.	2002 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн. т.</b>	<b>703,2</b>	<b>95,8</b>
шу жумладан:		
темир йўл транспортида	45,1	102,5
автомобил транспортида	592,8	94,4
қувур йўллари орқали	65,3	105,6
ҳаво транспортида, минг т.	5,9	62,6
<b>Юк айланмаси, млрд. т-км</b>	<b>63,3</b>	<b>105,8</b>
шу жумладан:		
темир йўл транспортида	19,1	103,5
автомобил транспортида	9,6	107,2
қувур йўллари орқали	34,6	106,8
ҳаво транспортида, минг т.	95,3	75,3

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуийдагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

2002й.

2003й.



Республика бўйича бир тонна юк ташишнинг ўртача масофаси 2002 йилдагидан 0,9 фоизга узайди ва 422,7 км ни ташкил қилди.

Асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш ҳажмлари қуийдагича ифодаланади:

	Минг тонна	2002 й.га нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>45100,3</b>	<b>102,5</b>
шу жумладан:		
тошкўмир	2327,3	85,4
нефть юклари	12173,7	93,8
қора metallар	589,2	103,6
қора метал темир – терсаклари	955,6	109,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	2958,2	96,7
курилиш юклари	7729,6	118,7
цемент	3349,2	93,6
ёғоч – тахта юклари	39,6	98,8
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	1453,7	78,0

Юк жўнатишининг ўртача бир кунлик ҳисоби 2002 йилдагидан 2,5 фоизга кўпайди ва 123,6 минг тоннани ташкил қилди.

Жўнатилган юкларниң умумий ҳажмидан экспортга 27702,6 минг тонна юк (ташилган юклар умумий ҳажмининг 3,9 фоизи) жўнатилди. Экспортга жўнатилган юкларниң умумий ҳажмида узоқ ҳориж мамла – катларига жўнатилган юкларниң улуши 7,6 фоизни, МДҲ мамлакатла – рига жўнатилган юкларниң улуши эса – 92,4 фоизни ташкил қилди.

Республикадан темир йўл транспортида жами 4360,9 минг тонна юк ёки ташилган юклар умумий ҳажмининг 9,7 фоизи, шу жумладан узоқ ҳориж мамлакатларига – 1774 минг тонна юк ёки 40,7 фоизи ташилган.

Республикага импорт қилинган юклар ҳажми 4725,2 минг тоннани ташкил қилди, шу жумладан узоқ ҳориж мамлакатларидан импорт қилинган юкларниң 32,2 фоизи, МДҲ мамлакатларидан эса – 67,8 фоизи олиб кирилди. Республикага импорт қилинган юклар умумий ҳажмининг 82,1 фоизи (3879,3 минг тоннаси) темир йўл транспортига тўғри келади.

